



ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2011 йил 8 февраль ● сешанба ● № 5-6 (732-733) ● e-mail: info@press-iq.uz ● www.minjust.uz



9 февраль —
Алишер Навоий
таваллудига
570 йил тўлади

ФАЗАЛ

Кимки бир кўнгли бузугнинг хотирин шод айлағай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлағай.

Гарчи халқ озодасимен, ёр агар бандам деса,
Андин ортуқ англаким, бир банда озод айлағай.

Ёрдин ҳар кимки бир сўз дер, туганмасдин бурун,
Истараким, аввалидин ёна бунёд айлағай.

Ёр ҳижронидин ўлгумдур, бу навъ эрмиш сазо
Ул кишигаким, бировга ўзни муътод айлағай.

Неча сабр авроқи ёзғай кўнглуму бир оҳ ила
Сарсари ишқинг етиб, борини барбод айлағай.

Шайхдин зуҳди рибийи касб ўлур, ё раб, қани
Дайр пириким, фано расмини иршод айлағай.

Одам авлодида камдур одамилик шеvasи,
Одам эрмас, улки майли одамизод айлағай.

Не балодурким, фалак ҳар кимга чекса тиги кин,
Енгиллиб аввал менинг жонимга бедод айлағай.

Беша ичра девлар мақтули ўлсун,
Гар Навоий ёна азми Астробод айлағай.



Депутат минбари

Ютуқлар

замиридаги ҳақиқат

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Президенти Ислам Каримовнинг 2010 йида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан кейинги ўйлар

ДОНО ХАЛҚИМИЗНИНГ гурмаъно ҳикматлари орасида шундай бир ажойиб мақол бор: "Яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришталар омин!" — дейди. Шундан бўлса керакки, кўпни кўрган кексалар, энг аввало, ниятни тоза қилиш кераклигини кўп ўқирадилар. Юртимиздаги бекис ёнгиланишларни кузатарканман, шундай бир хислатни иллаганман: Катта анкуманларда, омма билан ўтказиладиган мулоқотларда муҳтарам Юртбошимиз энг кўп ишлатадиган маъзи тўқ фикрлари орасида "Барака топгулар", — деган ҳикматли ибора бор. Назаримда ана шу серхосият тилакка фаришталар "омин!" дегандирки, мана эл-юртимиз ҳеч кимдан кам бўлмай ўз тараққиёт йўлидан

дадил келяпти. Албатта, фақат ниятнинг ўзи билангина ҳаммаси осон кечмаслиги ҳам аён ҳақиқат. Бирок, нима бўлганда ҳам ниятнинг тозаллигига нима етсин. Ахир бежиз айтмайдилар-да: "Яхши ният — ярим давлат", — деб. Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қайд этилган чуқур таҳлиллар, қувонбахш фикрлару теран талқинларгача барча-барчасида яхши ниятнинг йўлдош бўлгани, қилинган фидокорона меҳнат, чекилган заҳмат ва машаққатлардан сира чўчимай, ҳеч кимнинг четдан берадиган мададига кўз тикмай собитқадамлик билан фақат олға босилган қадамлар самара келтиргани аққол акс этиб турди.



Адлия аралашгач...

"Ишонч телефони"га мурожаат бесамар кетмади

ИҚТИСОДИЁТНИНГ ривож, мулкий муносабатларнинг муттасил ҳаракати, товар муомаласининг фаоллигига ижобий таъсир этувчи омиллардан бири — бу шартнома мажбуриятларининг лозим даражада бажарилишидир. Афсуски, айрим ҳолларда контрактация шартномалари шартлари тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан тўлиқ бажарилмаслиги оқибатида фермер хўжалиқларига моддий зарар етмоқда. Уларни ундириш юзасидан Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси томонидан бир қанча ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

ЖУМЛАДАН, Денов туманида фаолият юритаётган "Бахриддин", "Ишонч", "Аҳмад Назира Ойбек" фермер хўжалиқлари томонидан 2010 йил галла ҳосили "Шўрчидонмаҳсулотлари" АЖга тўлиқ етказиб берилган бўлса-да, жамият томонидан етказиб берилган ушбу бошоқли дон маҳсулотлари учун пул маблағлари тўлаб берилмаётганлиги ҳақида фермер Б.Дилов вилоят адлия бошқармаси "Ишонч телефони"га мурожаат этди.

Ушбу мурожаат адлия бошқармаси томонидан ўрганиб чиқилди. Етказиб берилган бошоқли дон маҳсулотлари учун пул маблағларини тўлаб бериш юзасидан "Шўрчидонмаҳсулотлари" АЖга талабнома киритилиб, унинг ижроси таъминланишига эришилди. Хусусан, акциядорлик жамияти "Бахриддин" фермер хўжалигига 13 миллион сўм, "Ишонч" фермер хўжалигига 4 миллион 951 минг 552 сўм ва "Аҳмад Назира Ойбек" фермер хўжалигига 3 миллион 50 минг сўм тўлаб берди.

Баҳодир АШУРОВ,
Сурхондарё вилояти
адлия бошқармаси
масъул ходими

Ҳурматли юртдошлар!

АГАР СИЗНИНГ қонуний ҳуқуқларингиз бузилса, ҳеч иккиланмай Адлия вазирлиги ёки унинг ҳудудий бошқармаларидаги "Ишонч телефони"га кўнгирак қилишни унутманг. Адлия идораларининг мутахассислари сизнинг ҳақ-ҳуқуқингизни ҳимоя қилишга ва бузилган ҳуқуқингизни тиклашга ёрдам беради!



1	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (371) 008, 236-26-99, 233-47-68, 236-05-09
2	Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги (361) 008, 223-34-00, 223-71-93
3	Тошкент шаҳар адлия бошқармаси (371) 008, 262-92-42, 269-14-45
4	Андижон вилояти адлия бошқармаси (374) 008, 224-42-31, 224-45-94, 222-30-89, 224-57-81
5	Бухоро вилояти адлия бошқармаси (365) 008, 223-74-16, 223-21-20
6	Жиззах вилояти адлия бошқармаси (372) 008, 771-64-71
7	Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси (375) 008, 223-01-64, 223-01-73
8	Навоий вилояти адлия бошқармаси (436) 008, 223-80-47, 223-01-38
9	Наманган вилояти адлия бошқармаси (369) 008, 226-51-93, 226-36-62, 226-70-33, 226-78-93
10	Самарқанд вилояти адлия бошқармаси (366) 008, 233-04-62, 233-39-12, 233-22-59, 233-52-31
11	Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси (376) 008, 223-26-84
12	Сирдарё вилояти адлия бошқармаси (367) 008, 235-09-69, 225-41-19, 225-19-50, 225-30-50
13	Тошкент вилояти адлия бошқармаси (371) 008, 280-50-98, 280-51-06, 253-30-02, 280-50-96, 280-51-04, 253-82-61
14	Фарғона вилояти адлия бошқармаси (373) 008, 224-15-49
15	Хоразм вилояти адлия бошқармаси (362) 008, 226-86-47, 226-65-50

E-mail: info@minjust.gov.uz

Ҳуқуқий тарғибот:

адлия идоралари, давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги

"АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ марказий аппарати ҳамда ҳудудий адлия органлари ходимлари томонидан 2011 йил давомида бошқа идоралар билан ҳамкорликда аҳоли ва ёшлар ўртасида ўтказиладиган ҳуқуқий тарғибот тадбирлари режаси" жойларда изчил амалиётга йўналтирилмоқда. 2011 йилнинг 5 январидан тасдиқланган мазкур режага мувофиқ ҳозиргача республикамиз бўйлаб 56 та тадбир амалга оширилди.

ЯҚИНДА Амударё туманидаги Дўрмон кишлоқ хўжалик касб-хунар коллежида "Чет эл инвестициялари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, уларнинг асосий вазифалари ҳамда муҳим аҳамияти" мавзусида амалий мулоқот ўтказилди. Унда туман ҳокимлиги, прокуратура, ички ишлар, солиқ идоралари вакиллари, тадбиркорлар ҳамда ушбу коллеж ўқитувчи ва ўқувчилари қатнашдилар.

Сўзга чиққанлар чет эл инвестицияларининг иқтисодий тараққиётдаги ўрни, шу соҳага оид қонун ҳужжатлари мазмун-моҳияти, уларда акс этган ҳуқуқий асослар ҳақида

таҳлилий мулоҳазалар билдириб, уларнинг амалиётга ҳақида мисоллар келтиришди.

Шунингдек, Адлия вазирлигининг юқорида зикр этилган режасига биноан "Фермер хўжалиқлари ҳуқуқлари ҳимояси", "Тадбиркорлик ва ҳуқуқий ҳимоя тизимини янада такомиллаштириш" каби бир қатор мавзуларда жойларда тарғибот тадбирлари олиб борилди.

Адлия вазирлигининг
Ҳуқуқий тарғибот
ва ҳуқуқий таълим бошқармаси

◆ Долзарб мавзу

Сувнинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди

Бу улугъ неъматни исроф этиш, ифлослантириш, увол қилиш тириклик томирига болта уриш билан баробар-ку!



ШУ сонга! хабар!

ҚАЛИН ҚОР ТУШДИ
ХОРАЗМИК мухбиримиз Абдулла Собировнинг хабар беришича, шу кунларда Хоразм ва қорақалпоғистонлик деҳқонларнинг қувончи чексиз. 3 февраль куни соат 10.00 да бошланган қор салкам бир кечакундуз ёққан. Ёши улугъ отахон ва онахонлар гапига қараганда, бундай табиат инъоми яқин 30-40 йилда рўй бермаган. Табиатнинг бу саховати шўрдан "дард" чекаётган ерларга бебаҳо малҳам бўлди. Деҳқонларнинг таърифлашича, қорнинг бундай қалин ёғиши далаларни 2-3 марта шўрини ювиш билан тенг экан. Пахта зўр, галла мўл бўлади. Шоли сувга тўяди, дейишмоқда.

Пойтахтда ва айрим вилоятларимизда қор йўқ. Табиат мурувват кўрсатаман деса, ҳеч гап эмас экан.



РИВОЯТ қилишлари, Макка шаҳридан Бухорога отланган савдогарлар карвонини шаҳарга 30-40 қачирим қолганидан сувсизликдан ҳоқсаланиб карвонга дам беришига мажбур бўлган экан. Шунда узоқдан карвон туяларининг кўнглироғи эшитибди. Сергак торган карвонбоши карвон йўлига пешвоз чиқибди. Салом-алиқдан сўнг: "Эй, яхши одам, сувсизликдан мадоримиз қуриди. Одамларим саратон тафтига чидай олмай жон таслим қилмоқда", дебди. Бухоролик карвонбоши бир меш сув бериб карвоннинг ҳаётини асраб қолибди. Шунда маккалик савдогар бухоролик карвонбошига сувнинг ҳақи учун бир меш тилло берибди. Ана шунда бухоролик карвонбоши шундай дебди: "Чўли биёбонларда бир меш сув бир меш тиллодан қимматроқ туради", — деб ҳазиломуз сўз қилиб тиллонни олмаган экан. Бухорога бориб бойиб кетган маккалик савдогар вақт келиб икки карвон учрашган жойдан қудуқ қазириб, ўша жойга дов-даракт эктирган экан. Йўловчи карвонлар жазиромда дарактлар соясида дам олиб ана шу қудуқдан сув ичганларидан сўнг икки карвонбошининг ҳақиға дуо қилар экан.

ХАЛҚИМИЗДА сув азалдан қадрланган. Уни ифлослантириш гуноҳ ҳисобланган. Ҳаётда одамзот энг танқис таом — нонсиз яшаш мумкин. Ғўштсиз, мевачеваларсиз ҳам инсон кун кечирishi мумкин. Сувсиз эса ҳаёт йўқ. Бу инсоният тан олган ҳақиқат. Олимларнинг эътирофи эътишош, ер шарига сув миқдори 70-72 фоизни ташкил этади. Тирлик жон танаси (вазни)нинг 70-72 фоизи ҳам сувдан иборат. Она эмбрионда сув 97 фоизни ташкил этади. Бола шу сув ичида ривожланиб, ҳафт олади. Бу қонуниятдан кўриниб турибдики, ҳаёт сувда пайдо бўлган. Табиатда бўладиган модда алмашилари жараёни ҳам сув ёрдамида содир бўлади.

Мутахассисларнинг фикрича, гидросферадаги сувнинг миқдори 1 миллиард 386 миллион км³. Шу сувнинг 97 фоизи шўр, фақат 3 фоизи чўқ сувдир. Шу 3 фоиз сувнинг 2 фоизи муз, 1 фоизига тоза ичимлик суви. Ана шу бир фоиз чўқ сув ердаги энг ноёб минерал ҳисобланиб, унинг ўрнини босувчи биронта модда йўқ. Биологик нуқтаи назардан олиб қаралганда, чўқ сув ҳаётини бошқарувчи экологик муҳит ҳисобланади. Чўқ сувнинг 1 литрида 1 граммча эриган тузлар (0,1 фоиз) бўлади. Ер юзи аҳолиси (6,4-6,5 миллиард) учун ўртача 7-7,5 миллион м³ чўқ сув керак. Бирок...

Инсон ақлини танибдики, табиатга зугум ўтказиб келади. Барча табиий нарсаларни ўз манфаати йўлида ишлатишга ҳаракат қилади. Охир-оқибатда эса табиатнинг ўзи одамзотдан "ўч" олади. Ана шу фикрларни ҳаёт-мамотимиз бўлган сувга муносабатда ҳам кўриш мумкин. Айниқса, тоза ичимлик сувига бўлган шафқатсиз муносабат бугунги кунда аянчли тус олмақда. ОАВ ходимлари, сув ресурслари билан шуғулланган йирик олимлар ҳар куни, ҳар соатда бу ҳақда бонг урмоқда. Бирок...

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган, қишлоқ хўжалик ходими Шавкат Ширинбоевнинг таъкидлашича, ҳозирги кунда сайёрамиз аҳолисининг учдан бир қисми турли минтақаларда сув ресурсларига нисбатан ўта оғир муҳтожликни бошидан кечирмоқда. Айниқса, Африка, Осиё китъаларида ичимлик суви жуда танқис ва бу китъаларнинг айрим ҳудудларида қурғоқчилик кенгайган ва у келтириб чиқарган оғир натижасида миллионлаб одамлар ҳалок бўлмоқда, 30 миллиондан ортиқ кишининг ҳаёти хавф остида. Ҳар куни ривожланаётган мамлакатлар болаларидан 6 минг нафари санитария-гигиена қоидаларига мутлақо тўғри келмайдиган сув истеъмол қилганликлари туфайли ҳаётдан кўз юммоқдалар. Бошқа маълумотлар ҳам ташвишли.

Дунёдаги 6 миллиарддан ортиқ кишининг 3 миллиардагача яқини ифлосланган сув истеъмол қилмоқда ва бунинг оқибатида касалланганлар сони 2 миллиарддан ошади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига кўра, юқумли касалликларнинг 80 фоиздан ортиғи ичимлик суви сифатининг пастиги ҳамда сув таъминотида санитария-гигиена қоидаларининг бузилиши оқибатида юзага келмоқда. Кишининг ривожланиш ҳаёт кечирishi учун бир кеча-кундузда 50 литр сув керак бўлади. Қуруқ iklim минтақасидаги ривожланаётган мамлакатларда 1,1 миллиард киши бир кунда атиги 5 литрдан сув ишлатмоқда, ҳолса, Европа давлатларида эса бу рақам 200, АКШда 400 литрни ташкил қилмоқда.

Сув танқислиги катта иқтисодий қийинчилик билан бирга аҳоли саломатлиги ва ижтимоий соҳаларда жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Сувнинг ифлосланиши туфайли ҳар хил касалликлар — ошқозон-ичак, буйрак, жигар, қонда турли аллергик ҳасталиklar содир бўлади. Ифлосланган сув орқали турли хил гелиминтар инсон организмга ўтади. Ичтерлама, дизентерия, гепатит ва бошқа касалликлар кўпаяди. Сувда қимматли элементлар, бирикмаларнинг меъдордан ортиқ бўлиши уларнинг аста-секин тўпаниб боришига шариоит яратади. Натижада, айрим қутилмаган касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

2050 йилга бориб ер юзи аҳолиси 8 миллиардга етиши тахмин қилинмоқда. Об-ҳавонинг глобал исми кетиши натижасида табиатда қурғоқчилик юз бериши мумкин. Илм-фан шуни кўрсатмоқдаки, агар келажакда озик-овқат маҳсулотларида муаммо пайдо бўлса, уларнинг ўрнини босувчи маҳсулотлар "қашф" қилиниши мумкин, лекин сувнинг ўрнини бошқа бирор нарса босолмайди.

Ўзбекистон бўйича ҳар бир кишига кеча-кундузда сарфланадиган сув миқдори ўртача 350-400 литрни ташкил қилади.


Даврнинг ўзи ҳозирги пайтда трансчегаравий дарёлардан фойдаланиш хал-

қаро меъёрларга амал қилишни талаб этмоқда. Марказий Осиёда сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш асрлар давомида минтақадаги барча мамлакатлар ва халқларнинг муносив ҳаёт кечирishi учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб келган. Бугунги кунда Марказий Осиёдаги дарёларнинг юқори қисмида собиқ иттифоқ даврида ишлаб чиқилган гидротехник иншоотлар қуриш лойиҳаларини тиклашга уринишлар кенг

• Долзарб мавзу

Сувнинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди

Бу улуг неъматни исроф этиш, ифлослантириш, увол қилиш тириклик томирига болта уриш билан баробар-ку!



жамоатчиликни ташвишга солмоқда. Сабаби, 50 миллиондан зиёд аҳолининг асарияти мазкур (Амударё ва Сирдарё) дарёларнинг қуйи қисмида яшайди.

Тожикистоннинг Панж дарёсининг ўнг irmoғи Вахш дарёсига қуйилишидан кейин Амударё деб ном олган ва асрлар давомида Марказий Осиёнинг катта қисмида "ҳаёт қон томири" бўлиб хизмат қилиб келган. Утган йилларда Амударё сувининг кескин камайishi дарё ҳавзасида экологик тахдид кучайishiға сабаб бўлди. Бу қурилишлар бўйича пухта ўйланмаган сибсат минтақада турли экологик, ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Ўз навбатида одамларнинг турмуш даражаси, саломатлиғига салбий таъсир кўрсатади. Шунга қарамай, қўшни мамлакатларда (Тожикистон ва Қирғизистон) Роғун ва Қамбарота ГЭС қурилишларини бир томонлама тартибда давом эттиришга ҳаракат қилинмоқда.

Амударё ва Сирдарё сувидан фойдаланиш оқибатида вужудга келган Орол денгизи фожиаси бугун бутун Марказий Осиёнинг экологик кулфатиға айланганини унутмаслик керак. Аҳоли томонидан тоза ичимлик сувидан фойдаланиш борасида республикамизда катта тадбирлар қилинмоқда. Айниқса, бу бордаги ишларни йўлга солиш учун "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонун ҳамда қонуности ҳужжатлар қабул қилинди. Шунингдек, Юртбошимизнинг "Қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш тўғрисида"ги Фармони ҳам сўзимизга исбот бўлади.

Мутахассисларнинг фикрича, сувни ифлосланишдан муҳофаза қилиш масаласи алоҳида ўрин эгаллайди, бу борда турли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Сув ресурслари сифати кескин бузилишининг олдини олиш учун оқова сувлар миқдорини қисқартириш керак. Оқова сувлар дарё ва сув ҳавзаларига оқизилишига барҳам бериш лозим. Бу саннат корхоналарини сув билан таъминлашининг ёпик қилди тизимига ўтишни тақозо этади. Бу ишни амалга ошириш анча мураккаб, лекин жуда муҳим вазифадир. Бунинг бугунги ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда. Мамлакатимиз аҳолисининг 85 фои-

зи водопроводлашган тоза ичимлик суви билан таъминланган. Бир сўз билан айтганда, ана шунча аҳолимиз тиббиёт меъёри талабига жавоб берадиган сувни истеъмол қилмоқда. Қолган 15 фоиз аҳолимиз булоқ ва қудуқ сувларини истеъмол қилади. Бу сувлар экологик тоза сув ҳисобланади. Бу билан мамлакатимизда ичимлик суви муаммоси ҳал қилинган, деб бўлмайди. Шу боис ҳам Президентимизнинг "Қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш юзасидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани марказидан 70-80 километр узоқликда, тоғлар орасидаги ўзим тугилиб ўсган қишлоқда бўлдим. Кўпчиликнинг уйда худди шундай қудуқдан сув чиқиб турибди. Давлатимиз бу борада улкан ишларни амалга оширмоқда.

Соҳа тадқиқотчиларининг фикрича, Ўзбекистонда оқова сувларнинг 78 фоизи саннат корхоналари, 4 фоизи эса коммунал хўжалиқ ҳисобига тўғри келади. Тан олиб айтиш керакки, қишлоқ

тозалаш иншоотини барпо этиш ишлари бошланди. Бир кеча-кундузда 100 минг кубометр ҳажмидаги сувни юксак меъёрлар даражасида тозалаш ва тинитиб берувчи янги иншоот ана шу тарих сафта қўшилди.

Ичимлик суви дунёнинг глобал муаммоси эканлигини унутмаслигимиз керак. Дунё ҳамжамияти тезлик билан чўқ сувга бўлган муносабатини ўзгартириб тегишли чоралар кўрмаса, 20 йилдан сўнг ер шарини аҳолисининг 2/3 қисмининг ҳаёти хавф остида қолади.

Муаммонинг яна бир томони ҳақида тўхталиб ўтмасак бўлмайди. Инсониятнинг энг катта озик-овқат манбаи бўлган жаҳон океанлари ҳам ҳозирги вақтда инсон цивилизацияси қурбони бўлмоқда. Экспертларнинг айтишича, ҳар йили океанларга 10 миллион тонна нефть тушади. Нефть сув юзида парда ҳосил қилади. Бу эса сув билан ҳаво ўртасида газ алмашиланини йўқ қилади. Бир сўз билан айтганда, экологик мувозанат бузилади. Оқибатда бундай ноҳуш ҳолатлар ичимлик суви захираларига ҳам салбий таъсир ўтказлади.

Одамзот ақлини танибдики, сув бор жойга интилиб яшайди. Дунёнинг энг катта шаҳарлари дарё ва денгизлар атрофида қурилади. Бунга Москва, Санкт-Петербург, Сочи ва Туркиядаги ўнлаб шаҳарларни мисол келтириш мумкин. Сув яқин ҳудудларда саннат, қишлоқ хўжалиги каби ишлаб чиқариш соҳалари ривожланади.

— Сув таъминоти бўйича дунё мамлакатлари ичиде пойтахтимиз етакчи ўринда туради, — дейди тиббиёт фанлари доктори, профессор Шавкат Аҳмедов. — Аҳоли тўлиқ ичимлик суви билан таъминланган. Тошкентимиз дунёдаги яшил шаҳарлар сирасига қиради. Агар пойтахтимизни самолётдан кузатсангиз, яшиллиғига ва чиройига маҳлиё бўлиб қоласиз. Сабаби Бўзсув, Қорақамиш, Бўриҳар каби каналлар шаҳарни суғуриб "яшил"латиб туради. Бир сўз билан айтганда, шаҳардаги чанг ва ғуборларни ювиб, дов-дарактларни суғуриб, пойтахтдан чиқиб кетади. Ана шу сабабли дунёнинг энг катта шаҳарлари билан таққослаганда пойтахтимизда айрим юқумли касалликлар кам учрайди. Сув бор жойда озодалик бўлади. Озодалик бўлган жойда касаллик бўлмайди. Тошкент географик жиҳатдан қўлай жойда жойлашган яшил шаҳарлар қаторига қиради.

Пойтахтимизнинг тарихига назар соладиган бўлак, XX асрнинг бошларига биз юқорида номларини келтирган канал ва катта ариқлар аҳолининг ичимлик сувиға бўлган талабини тўлиқ қондирган. Халқ эрта баҳордан ўзлари сув ичадиган ариқ ва каналларни ҳашар йўли билан тозалашган. Энди-чи?..

— Бугунга келиб ота-боболаримиз сув ичган каналлар ва ариқлардаги сувлар яроқсиз аҳволга келди, — дейди тошкентлик Фулом ота Аҳмедов. — Ҳукуматимизга минг раҳмат. Ўн бешинчи қаватда яшайдиган одам ҳам қурилиш жўрагини онса, тоза сув келади. Бунга шуқур қилиш керак. Бирок Оллоҳнинг ердаги неъматларини ифлослантириш гуноҳ. Яхши эслаймиз, болагимизда эрта баҳорда отамизнинг ёнида кетмон кўтариб маҳалламиздан оқиб ўтадиган каналларни тозалашга борганмиз. Энди-чи... Яқин орада пойтахтимиздаги бирон маҳалла аҳли ўзининг ҳудудидида

канал ёки ариқни ҳашар йўли билан тозаланишнинг эшитмагани. Агар бундай савобли ишлар қилинганда эди, газеталарда қирдиқ, телевизорда кўрсатишарди. Ўзимиз лоқайд бўлиб кетганимиз. Бундай ишларни ўзимиз қилмасак, бировлар четдан келиб қилмайди-ку.

Табиатда сув ўз-ўзини тозалаш хусусиятиға эга. Шу боис бўлса керак, халқимизда сув етти дудаласа тоза бўлади, деган нақл юради. Мутахассисларнинг фикрича, XXI аср бошиға келиб сувларнинг ифлосланиш даражаси меъёридан ошиб кетди. Оқибатда сувлар ўз таркибиде мавжуд бўлган ифлословчи бирикмаларни бутунлай бартараф этолмай қолди. Бу салбий ҳолат ўз-ўзидан сувни тозалаш муаммосини ҳал этиш муҳим эканлигини талаб этмоқда. Сув етишмаслиғи сабабларидан бири ишлатилган ифлос сувнинг тозаланишидир. Жаҳон миқёсида ҳар йили коммунал хўжалик ва саннат тармоқларида фойдаланиш натижасида 470 км³ ифлос (оқинди) сув ҳосил бўлади. Бу сув 5580 км³ гача тоза (дарё) суви ифлослайди. Бутун дунёдаги корхоналардан чиқадиган оқова сувининг миқдори Амазонка дарёсидаги сув миқдорига тенг. Хулосани ўзингиз чикараверинг.

Халқ хўжалиги тармоқларида сувнинг тақрор ишлатилишини таъминлаш унинг мавжуд ресурсларидан оқилона фойдаланиш имконини беради. Шу ўринда айтиш лозимки, бу борада мамлакатимизнинг барча вилоятларида ечимини кузётган масалалар анчагина.

Ер усти ва ер ости чўқ ичимлик сув захираларини муҳофаза қилиш, улардан самарали фойдаланиш борасида Республика табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси амалий ишларни олиб бормоқда. 2002 йилдан бошлаб шу қўлга қадар, мамлакатимизнинг 8 та йирик дарё (Қашқадарё, Зарафшон, Чирчиқ, Сурхондарё, Норин, Қорадарё, Амударё ва Сирдарё) сувини муҳофаза қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилди ва улар бўйича Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари қабул қилинди. Жумладан, амалга оширилган ижобий ишлар мисолида Самарқанд вилоятидаги "Жомбойдон" очик акциядорлик жамиятида 2 та биоховуз қуриди. Натижада корхонанинг 1200 м³ оқова суви Зарафшон дарёсига оқизилишиға барҳам берилди.

Биобарин, мазкур соҳадаги тажрибаларимиз, айни пайтда ҳаётини заруратта асосланиб, бугун сувдан фойдаланишнинг моддий ва процессуал шакллари, усул ва тартибларини ҳамда ундан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатларини кўзда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг Сув кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш учун иқтисодий, экологик, ижтимоий-сиёсий ташкилий-техник шарт-шароитлар яратилиб, дейишиға тўла асосимиз бор.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги Файзулла Хўжаев маҳалласи ҳудудидан Бўзсув канали оқиб ўтади. Ёзнинг сокин оқшомирларида автомашиналарнинг қатнови тингач, канал сувининг қирғоқдан қирғоққа урилиб оқиши маҳаллага эшитилиб туради. Бу ҳолатнинг ўзгача таровати, ўзгача шуқуқи бўлади. Айниқса, саратон кезлари.

Ёз кунлари канал атрофида 5-6 бош қўй ҳайдаб юрган Раҳим ақани кўрганам. У киши узоқ йиллар институтда дарс берган. Ҳозир нафақада. Яқинда у кишини кўриб қолдим. Одатдагидек канал бўйида қўйларини боқиб юрган экан. Сув ҳақида мақола ёзмоқчи эканлигимни айтганимда Раҳим ақанинг асаби бузилди.

— Оиламиз уруш йиллари Фарғонадан Тошкентга кўчиб келганида 7-8 ёшдаги бола эдим. Отам ишчи батальон аскари сифатида кабель заводига ишга юборилганди. Ўша пайтлари маҳалламиз ана шу Бўзсув каналдан сув ичарди. Онам раҳматли қўлимга чеклақ бериб сувга юборди. Ёз кунлари дўппиизни тўлдириб ана шу сувдан ичардик. Тандирдан узилган кулча нонни канал сувиға ботириб еганмиз. Эндилкида бу гаплар эртаққа ўхшайди. Неварларимга бу гапларни айтсам қулишади. Яқинда 35-40 ёшлардаги бир киши целлофан пакетга солинган ахлатни каналга улуктирди. Зийли йигит экансиз. Қилган ишингиз ўзингизға ярашмайди-ку, ўғлим, десам, "Бўзсув сизнинг шахсий каналингизми", деб машинасини ҳайдаб кетди, дея сув юзидаги уюм-уюм ахлатларни кўрсатди...

Раҳим ақанининг куйинганича бор. Сув инсон учун Оллоҳ томонидан берилган бебаҳо неъматдир. Унинг қадриға етишимиз лозимлигини доимо фарзандларимизға уқтиришдан чарчамаслигимиз керак.

...Уйингиздаги сув жўрагини бурган. Шаффодек тиниқ сув оқаяпти. Бунга иқдорсиз. Энди мана бу статистик маълумотни ўқинг.

Дунё аҳолиси тез ўсиб бораётган ҳозирги вақтда 2,5 миллиарддан ортиқ киши сифатли ичимлик сувиға муҳтожликда яшамокда. Ҳар йили 3 миллион инсон сувсизликдан вафот этмоқда. Ҳар куни 6000 бола ифлос сувдан захарланмоқда. Ер шарини аҳолисининг 25 фоизи суви йўқ жойларда яшайди.

Бу дунёда барчамизнинг ўйлашга, мушоҳада қилишга чорлайди.

Биз Оллоҳнинг назари тушган юрда яшаётганимизни унутмаслигимиз лозим.

Зайиниддин МАМАДАЛИЕВ,
"Инсон ва қонун" муҳбири

Соҳа салоҳияти: нотариат ва ФХДё фаолияти

Малакали юридик ёрдам

Барча чора-тадбирлар белгиланган

МАМЛАКАТИМИЗДА амалга оширилаётган ислохотлар моҳияти демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишдан иборатдир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Президентининг 2010 йил 5 майдаги "Ўзбекистон Республикасида нотариат институтини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида"ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ушбу Фармонни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақидаги қарори қабул қилиниши тизимдаги ҳуқуқий ислохотларнинг мантикий давомидир.

Ҳозирги кунда ушбу Фармон ва қарор асосида "Адлия органлари ва муассасалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган. Лойиҳага қўра амалдаги 10 га яқин қонун ва қонуности меъёрий ҳужжатларига қўшимча ўзгартишлар киритиш назарда тутилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 июндаги 104-сонли қарорига биноян Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузурида нотариал архив ташкил этиш белгиланган. Бу эса ўз навбатида фуқароларимиз учун архив ҳужжатларини олишда қўлайликлар яратди. Ҳозирги кунда республика бўйича 14 та нотариал архив ташкил этиш юзасидан тегишли ишлар қилинмоқда.

Адлия вазирлигининг махсус буйруғига асосан адлия бошқармалари томонидан ишчи гуруҳлари тuzилиб, хусусий нотариуслардаги архив ҳужжатларини қабул қилиб олиш ва тегишли давлат нотариал идораларига топшириш ишлари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2010 йил 19 апрелдаги 79-мх-сон "Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғи бекор қилинганлиги барча нотариал идоралар нотариусларига етказилди.

Вилоят ҳокимлиги ва Давлат мулки қўмитаси Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги Давлат мулкни ижарага бериш маркази билан ҳамкорликда вилоятда янги ташкил этилаётган 7 та давлат нотариал идоралари ва адлия бошқармаси ҳузурида ташкил этилаётган нотариат архивни белгиланган талабларга жавоб берадиган, фуқароларга хизмат кўрсатиш учун қўлай жойда жойлашган хоналар билан таъминлаш ишлари якунига етказилди.

Бундан ташқари, Марказий банк ва тижорат банклари билан ҳамкорликда вилоятда фаолият юритаётган ва янги ташкил этилаётган давлат нотариал идораларида тўловларни қабул қилиш бўйича кассалар очиб тўловларини банк пластик картчаларидан қабул қилиш учун ҳисоб-китоб терминаллари ҳамда назорат касса машиналари билан жиҳозлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқоридаги Фармони талабларидан келиб чиқиб, жисмоний ва юридик шахсларга малакали юридик ёрдам кўрсатиш учун барча чора-тадбирлар қўрилмоқда.

Ином ҚУДРАТОВ,
Сирдарё вилояти адлия бошқармаси
Нотариат, ФХДё ва адвокатура
бўлими бошлиғи

— АГАР МЕРОСХҲҲР бўлмаса ёки меросхўрлар меросдан воз кечган бўлса, унда мол-мулкка қим эгаллик қилади?
**Р.УМАРОВА,
Навоий шаҳри**

— МОЛ-МУЛКНИ мерос қолдириш ота-боболаримиз тутумига хос азалий одат. Мерос очилган жойдаги давлат нотариуси меросхўрларнинг ёзма аризаларига қўра, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беради.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома мерос очилган кундан эътиборан олти ой ўтгандан кейин берилди.

мулкка ўтади, бу орган мол-мулкдан воз кечган тақдирда эса давлат мулкка ўтади.

Давлат нотариуси қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш пайтида мерос қолдирувчининг вафот этганлигини, мерос очилган жойи ва вақтини, мерос мол-мулки таркиби ва унинг жойлашган жойини, мерос қолдирувчи би-

дан кўчирмалар, қариндошлик ёки бошқа муносабатларнинг ҳақиқийлигини белгилувчи суд ҳужжати ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатлар билан тасдиқланади.

Агар марҳум эрдан (хотиндан) кейин хотини (эри) бошқа қайд этилган никоҳдан ўтган бўлса ҳам у мерос олишга қақрилади. Никоҳ ҳақиқий эмас, деб топилган ҳолатда, бундай никоҳда бўлган шахслар бир-бирининг вафотидан кейин меросхўр деб ҳисобланмайдилар.

Мол-мулкка бўлган мерос

У қандай тартибга солинади?

Қонун бўйича мерос олинганда ҳам, васиятнома бўйича олинганда ҳам агар нотариус тегишли мол-мулкка ёхуд бутун меросга нисбатан гувоҳнома бериши сўраб мурожаат этган шахслардан бошқа меросхўрлар йўқлиги тўғрисида маълумотларга эга бўлса, гувоҳнома юқорида кўрсатилган муддат тугамасдан олдин берилиши мумкин.

Фуқаролик кодексининг 1157-моддасига мувофиқ агар қонун бўйича ҳам, васиятнома бўйича ҳам меросхўрлардан ҳеч қайсиси ворислик ҳуқуқига эга бўлмаса ёхуд уларнинг ҳаммаси меросдан воз кечган бўлса, мерос мол-мулк эгасиз деб ҳисобланади.

Мол-мулк мерос очилган жойдаги маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг аризаси бўйича мерос очилган кундан эътиборан бир йил ўтгандан кейин суднинг қарори асосида эгасиз деб топилди.

Эгасиз, мол-мулк у турган жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи



лан меросхўрларнинг қариндошлик муносабатини ҳам қонун бўйича меросхўрлар доирасини аниқлайди.

Мероснинг очилиш жойи деб мерос қолдирувчининг охириги яшаб турган жойи ҳисобланади.

Мерос қолдирувчи билан меросхўрларнинг қариндошлик муносабатлари тугилганлик ҳақидаги гувоҳнома, никоҳ тuzилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, тугилганлиги ва никоҳ тuzилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзувлари-

Меросхўрларнинг хоҳишига қўра, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома уларнинг ҳар бирига алоҳида ёки уларнинг ҳаммасига битта берилди.

Баъзи бир меросхўрларнинг улушлари ҳал этилмаганда, гувоҳномада ҳал этилмаган улуш миқдори кўрсатилади.

**Комил МАРДОНОВ,
Навоий шаҳар 1-сонли
нотариал идораси
нотариуси**

Нотариус мақоми кенгайди

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҳаётимизнинг барча жабҳаларини тартибга солишчи қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши ва амалга оширилиши, айрим қонун ҳужжатларига тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритилиши ютуқларимиз бардавонлигини таъминламоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Президентининг 2010 йил 5 майдаги "Ўзбекистон Республикасида нотариат институтини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида"ги Фармони ижроси талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг "Адлия органлари ва муассасалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилиниши ҳуқуқий ислохотларнинг мантикий давоми ҳисобланади.

Масалан, Ўзбекистон Республикасининг "Нотариат тўғрисида"ги Қонунга "Нотариус ёрдамчиси" янги модда сифатида киритилди.

Шунингдек, Қонунга "Нотариус стажёри" деб номланган янги модда ҳам киритилган бўлиб, унга қўра олий юридик маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси нотариус стажёри бўлиши мумкин.

Нотариус стажёри нотариал идорада камиди икки йил муддатли стажировкани ўтайдди.

Нотариус ёрдамчиси ва стажёри лавозимига ишга қабул қилиш, ишдан бўшатиш Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ва адлия бошқармалари томонидан амалга оширилади.

Шу билан бирга, нотариуснинг ҳуқуқий мақоми янада кучайтириш ва масъулиятини ошириш мақсадида "Нотариат тўғрисида"ги Қонунга нотариуснинг қасамд қабул қилиш тартиби киритилди. Нотариусларни танлаш ва лавозимига тайинлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш мақсадида малака комиссияларининг фаолияти, уларни тuzиш тартиби ва ваколатлари белгиланди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан амалга оширилаётган нотариал ҳаракатлар махсус юридик билимларни талаб қилганлиги сабабли, 1993 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи тўғрисида"ги Қонундан шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари томонидан амалга оширилаётган нотариал ҳаракатлар чиқариб ташланди. Шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига аҳоли пунктлари ФХДё органларидан узоқ бўлган ҳолатларда вафот этганларни дафн этиш масаласини тезкорлик билан ҳал этиш ҳамда Фуқаролик кодексининг 137-моддасига асосан, фуқаролар йиғинларининг раислари баъзи ишончномаларни оддий ёзма равишда тасдиқлаш ҳуқуқига эгаллиги ҳисобга олиниб, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари томонидан белгиланган тартибда ўлимни қайд этиш, хат-хабарни, жумладан, пул ва жўнатма олиш учун иш ҳақини, меҳнат муносабатлари билан боғлиқ бошқа тўловларни олиш учун муаллифлар ҳамда ижтирочиларнинг ҳақларини, пенсия, нафақа, стипендияларни, банклардан суммаларни олиш учун ишончномаларни тасдиқлашлари мумкинлиги белгилаб қўйилди.

Бир сўз билан айтганда, мазкур Қонуннинг қабул қилиниши келгусида мамлакатимизда адлия органлари ва муассасалари фаолиятининг янада такомиллашувига асос бўлиб хизмат қилади.

**Фазлиддин ПАЛВОНОВ,
Фарғона шаҳар 5-сонли давлат
нотариал идораси нотариуси**

ДАВЛАТИМИЗ РАВНАҚИ камол топаётган ёш авлодининг етуқлик даражаси, оиланинг мустақамлигига боғлиқ.

КОНСТИТУЦИЯМИЗГА мувофиқ жамиятнинг асосий бўғинини оила ташкил этади. Демак, оила халқимиз учун миллатнинг қўра асрлик аъналарини ва руҳиятига мос кадрларни сакловчи ҳамда авлоддан-авлодга етказувчи муҳим ижтимоий институтдир.

Табиийки, орзу-умидларимизнинг амалга ошиши, бевосита келажак авлодларимизга, фарзандларимизга боғлиқ. Уларни қўрқмас, мард, жасур, фидойи қилиб вояга етказиш эса у тарбияланаётган оилага боғлиқ. Оила нечоғлиқ мустақам бўлса, юрт шу қадар осойишта бўлади. Осойишта оилада бахтли фарзанд тугилади. Шу сабабли оила қурмокчи бўлаётган ёшларимизга ҳам диққат-эътиборли бўлишимиз керак. Чунки оилалар қариндош-уруғчилик, мажбурият асосида қурилмасин.

Ҳуқуқий сабоқ

Жиддий эътибор талаб қилади

Оила кодексига мувофиқ, оилавий муносабатларни тартибга солиш эркак ва аёлнинг ихтиёрий никоҳ асосида тuzган иттифоқи, эр ва хотиннинг шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқлари тенглиги, оилавий масалаларнинг ўзаро келишув йўли билан ҳал қилиниши, оилада болалар тарбияси, уларнинг фаровон ҳаёт кечирishi ва камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиш, вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш устуворлиги асосида амалга оширилади. Бунинг асосида тuzилган ҳар бир оила табиийки, бахтли саналади. Аммо статистик ҳисоботлар ўрганилганда шу нарса аниқ бўлдики, никоҳдан ажралишлар-



нинг салкам 38 фоизи оилавий ҳаётнинг дастлабки 4 йилда, 33 фоизи 9-10 йилгача бўлган давр оралиғида содир бўлар экан. Уларнинг аксариятида турмушдаги ноқулай-

да аросатда қолган фарзанд нима қўлсин? У кимдан тўғри тарбия олсин? Айрим ёшлар расмий никоҳдан ўтишга лоқайдлик билан қарамқоқда. Оқибатда аёлнинг, қолаверса, беғуноҳ фарзандларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари бузилади. Никоҳ масаласига ота-оналар ҳам эътиборли бўлиши лозим.

Президентимизнинг 2007 йил 18 май кунги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони мамлакатимизда ёш оилалар борасидаги истиқболли тадқиқотларга ҳам йўл очди. Зеро, бугун жами оилаларнинг салкам 40 фоизини ёш оилалар ташкил этмоқда.

Юртбошимиз имзолаган мазкур ҳужжатда оила ва никоҳ муносабатлари қонуний, ҳуқуқий асосларга таяниши, ёш оилаларга ажратилаётган имтиёз-ли ипотека кредитлари ҳақида алоҳида таъкидланган.

Кейинги йилларда вилоят адлия бошқармаси ташаббуси билан ФХДё бўлимлари, тиббиёт муассасалари, хотин-қизлар қўмиталари мутахассислари, соғлиқни сақлаш ходимлари билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилганлиги ҳамда тўйдан олдин тиббий қўриқдан ўтиш, никоҳни қонуний расмийлаштиришнинг афзалликлари, аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликлар масалаларида тартиб-ташвиқот ишларининг олиб борилаётганлиги никоҳларни ФХДё органларидан қайд эттириш кўрсаткичларининг аввалги йилларга нисбатан қўпайишига сабаб бўлди.

**Муҳаббат ҚўШАЕВА,
Шофиркон тумани
ФХДё бўлими мудир**

ҲАЁТДА ўйлаб, ётти ўлчаб бир кесган, ақл билан иш қилган одам тўғри йўлдан адашмайди. Нафсини тийиб, тизгинлаб юрган кишининг қариндош-уруғлари, ёру дўстлари, оиласида қадри, эътибори баланд, юзи ёруғ бўлади. Аммо, одам олмаси ичида, деган гап рост экан.

БУХОРОЛИК Қосим Тошев ўзининг ярим асрлик ёшнинг камқондада кутиб олишига тўғри келди.

Қосим Тошев 2008 йил сентябрдан бошлаб Бухоро шаҳар "Ягона бюртмачи" давлат корхонасида уй-жой ётоқхоналарида хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи вазифасида иш бошлади. Урта маълумотли киши учун бу мансабни тақдир сийлови деса бўлади. "Ягона бюртмачи" давлат корхонаси шаҳардаги ётоқхоналарга коммунал хизмат кўрсатади. Аҳолидан турар жой учун ижара ҳақини йигади. Қосим Тошев аввалги елиб-югуриб вазифасини сидқидилдан бажаришга ки-

ришди. Ётоқхоналарга коммунал хизмат кўрсатиш, ободончилик ишларига эътиборини қўчайтирди.

Аммо, бўлимда ошбор мудир бўлиб ишлаб юрган Қосим Тошев ёғин бошлиқ ишга келгунга қадар ошбордаги анча-мунча товар қимматликларини "ишлатиб" бўлган эди. Қ.Тошев бошлиқ бўлиб келгач, Қ.Қуловдан сарф-харажат ҳужжатларини сўрайди. Вақт ўтиб борар, ҳужжатлардан дарак йўқ эди. Бу орада Қ.Қулов ёғин синиб, ишга чиқмай қўйди. 2008 йил февралда Қосим Тошев ишга чиқди ва бошлиқ Қ.Тошевнинг қатъий талаби билан сарф-харажат далолатномасини унинг қўлига тутқазди. Далолатномага гумдон

Пора олди... қамалди

Жиноят жазосиз қолмайди



бирида унинг ҳузурига бир аёл кириб келди. "Якка-ёғлизи онаман, ҳаёт тақозоси билан турар жойга муҳтож бўлиб қолдим. 2004 йил январдан буён Бухоро шаҳар ҳокимлигида рўйхатга олинганман" — деди ўзини Холида Эргашева деб таниқтирган аёл. — Мен ҳам фарзандим билан одамлардай яшай.

— Мушук ҳам бекорга офтобга чикмайди. Ётоқхонага муҳтож одамлар рўйхатида турганлигиндан хабардорман. Яқин орада ётоқхоналардан бирида қўлинг қўриқилсин, хона бўшаб қолсини эҳтимоли бор. Мен ҳам улфати чорларим, ёр-дўстларим билан ўтириб турай, дейман.

Қолаверса, каттақонларнинг ҳар қандай ишорасига шай туришим керак, — деди муғомбирлик билан Қосим Тошев. — Бошланасиз қолмай десангиз чўзасиз. Манзилингиз ҳам аниқ, Алпомиш кўчаси, 5/1-уйда, жойлашган. Гапнинг ўғил боласи шу.

Холида ўйлар гирдобига ботди. Ҳаёт кўчаларига кириб чиқди. Бўлим бошлиғи сўраган 600 000 сўм порани беришга қўриб етмаслиги аниқ. У ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат қилишга мажбур бўлди.

2010 йил 17 апрель кунги Қосим Тошев хизмат хонасида Холида Эргашевадан 500.000 сўм пулни тамағирлик йўли билан пора тарикасида олган пайтда қўлга олинди. Ўша пайтда унинг кўз ўнгига 3 нафар фарзанди, мисқоллаб йўққан обрў-эътибори кўринди, аммо, кеч эди...

Кишига мансаб нима учун берилди?

Жавоб аниқ: эл дарди билан яшаб, халққа сидқидилдан хизмат қилиш учун! Қосим Тошев бу ҳақиқатни унутди. Раҳбарнинг юраги ҳам, қўли ҳам тоза бўлса, унинг табиатида қатъийлик кўза яқол ташланади. Мансаб курсисига ўтиргач, тамоған ўзгариб қолмайди. Қайси қишлоқдан, қайси маҳалладан чиққанини унутмайди. Тўғрироғи, ёғин ердан узилмайди. Мансаб дегани аслида бевафо, ақлинг сал хира тортса сени ташлаб, қақшатиб кетади.

Қосим Тошевнинг қинғир қўлимиларига жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди судьяси, Валижон ЮСЎПОВ, "Инсон ва қонун" муҳбири

ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА мамлакатимизда олиб борилётган иқтисодий ислохотлар босқичида халқ хўжалигининг барча тармоқлари сингари, банк соҳасида ҳам талайгина ютуқлар кузатилмоқда. Улар фаолиятини янада такомиллаштириш, молия муассасаларини ишлаб чиқариш тармоғини қўллаб-қувватлашга жалб этиш бугуннинг долзарб вазифаларидан бирига айланди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан амалга оширилаётган банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш сураётлари, мамлакат пул-кредит сиёсатидаги ролини мустаҳкамлашга қаратилган изчил қадамлардан бири бўлди.

СОҲА РИВОЖИГА кўрсатилаётган юксак эътибор туфайли аҳолининг банкларга бўлган ишончи ортиб бормоқда. Аҳолининг бўш пул маблағларини банклардаги омонатларга жалб қилиш бўйича тижорат банкларини қўшимча рағбатлантириш имкониятлари очиб берилляпти.

Хусусан "Асака" Давлат-акциядорлик тижорат банки Сирдарё вилояти филиали ҳам мижозларга барча турдаги банк хизматларини, жумладан, ҳисоб-касса хизматлари, пул маблағларини сақлаш, миллий ва хорижий валютада кредитлар ажратиш, лизинг амалиётлари каби хизматларни кўрсатиб келмоқда. Аҳолидан ва юридик шахслардан жалб этилган маблағларни иқтисодиётнинг реал секторига самарали равишда йўналтириб, омонатчилар, мижозлар ва акциядорларнинг манфаатларига мос равишда кўпайтириб бормоқда. Бунда "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун", деган асосий тамойил дастуриламал бўлмоқда.

Кредит қўйилмалар тармоқлар бўйича саноатта 23 миллион 80,1 минг сўм, қишлоқ хўжалиги учун 1 миллиард 568,7 миллион сўм, қурилиш ишларига 626 миллион 400 минг сўм, савдо ва

корхоналар, тадбиркорлик билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларга катта имкониятлар яратилмоқда.

Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган бир қанча Қонун, ҳужжатлари филиалнинг кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга 6 миллиард 586 миллион 940 минг сўм миқдоридан кредит маблағларини ажратишига замин яратди.

Шунингдек, банк томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январ-

доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига асосан 1901,4 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Бунинг натижасида 205 та янги иш ўринлари яратилгани қувонардир.

Юртбошимизнинг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида асосан филиал томонидан 265,4 миллион сўм




Банк фаолияти

Ишончли ҳамкор, зарур кўмакчи

мижозлар ДАТ "Асака" (ОАЖ) банкининг Сирдарё вилояти филиали ҳақида шундай дейишмоқда



Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги "Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантиришни рағбатлантириш, улардан чакана савдода коммунал хизматларга ва хизматларнинг бошқа турларига ҳақ тўлашда фойдаланиш, шунингдек пул маблағларининг банкдан ташқари айлинишни қисқартириш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. 2011 йил 1 январь ҳолатига кўра 407 та корхона ва ташкилотлар билан шартномалар имзоланиб, аҳолига 23738 та пластик карточкалар тарқатилди.




даги "Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришини кенгайтириш ва ички бозорга тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига асосан 2009,0 миллион сўм, 2009 йил 28 январдаги "Ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришини кенгайтириш ва ички бозорга тўлдиришга

миқдоридан кредит маблағлари ажратилди. Бу эса ўз навбатида 29 нафар аёлнинг иш билан таъминланишига хизмат қилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги "Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизми тубдан такомиллаштириш чора-тадбирла-

ри тўғрисида"ги қарорига асосан филиал қошида 3 та махсус касса фалоият кўрсатмоқда. Мазкур кассалар орқали аҳолидан коммунал хизматлари учун тўловлар қабул қилиш йўлга қўйилган. Натижада коммунал тўловлар тушуми 2010 йил давомида 460,4 миллион сўмни ташкил этди.

Бундан ташқари, ўтган




Банк филиали "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" да ҳукуматимиз томонидан жорий этилган давлат дастури асосида кичик бизнес субъектларини кенг қўллаб-қувватлашни бош мақсад қилиб белгилаган.

Филиал томонидан шу йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, жами кредит қўйилмалари 31 миллиард 300 миллион 179 минг сўмни ташкил этган бўлса, узоқ муддатли кредитлар сони эса 93,4 фоизни ташкил этган.

умумий овқатланиш тармоғига 258 миллион 900 минг сўм, моддий техник таъмир ва сотув тармоғига 28,7 миллион сўм, маиший хизмат турларига 12,0 миллион сўм ва бошқа йўналишларга жами 5 миллиард 725 миллион 300 минг сўм йўналтирилди.

Айни пайтда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, хорижий кредит линиялари ўзлаштирилишини мувофиқлаштириш ишлари ҳам бирмунча ривожланди. Мамлакатимизда кичик ва хусусий



давр ичида филиал қошида очилган "Western union", "Быстрая почта", "Юнистрм" ва "Близко" халқаро пул ўтказмалари тизими орқали келган 7446,7 минг АҚШ доллари мижозлар қўлига етиб борди.

Аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини юқори фоизли омонат турларига жалб қилиш йўлида олиб борилётган саъй-ҳаракатлар туфайли жами омонатлар 2011 йил 1 январь ҳолатига кўра 3439,8 минг сўмни ташкил этди.

Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида савдо дўконларида ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаларига жами 130 та терминаллар ўрнатилган.

Хулоса қилиб айтганда, банк ишончли ҳамкор, зарур кўмакчи сифатида барча тоифадаги мижозларга, жисмоний ва юридик шахсларга, аҳолига ҳар томонлама қулайликлар яратишни режалаштирган. □

Толибжон АБДУРАСУЛОВ,
ДАТ "Асака"
(ОАЖ) банкининг
Сирдарё вилояти филиали
бошқарувчиси

Қонун доирасида

МАМЛАКАТИМИЗДА тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасида қонун ҳужжатларини қабул қилиш, давр талабига мувофиқ қўшимча ва ўзгаришлар киритиб бериш билан бирга назорат қилувчи органлар томонидан ушбу қонун ҳужжатларининг амалда аниқ ва бир хилда ижро этилиши юзасидан мунтазам равишда назорат амалга оширилиб, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини бузган ва манфаатларига зиён етказган мансабдор шахсларга нисбатан қонуний чоралар қўрилмоқда.

нуний текшириш ўтказган туман ветеринария бўлими ходимлари А.Қобилов, М.Тангиров, Т.Дониёров, Х.Ашуоров ва Д.Бойназаровага нисбатан "хайфсан" интизомий жазоси қўлланилган. Ушбу ҳолат юзасидан адлия органи томонидан Денов тумани ветеринария бўлими ходимлари А.Қобилов ва М.Тангировларга нисбатан МЖТКнинг 241-1-моддаси 1-қисмига асосан тўпланган маъмурий ҳужжатлар жиноят ишлари бўйича Денов тумани судига юборилган. Жиноят ишлари бўйича Денов ту-

Зарарлар ундирилди

ХУСУСАН, Адлия вазирлиги органлари томонидан тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, давлат органлари, назорат қилувчи органлар томонидан уларнинг фаолиятига ноқонуний арашулувларни чеклаш ҳамда Президентимизнинг 2005 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш юзасидан аниқ тадбирлар асосида зарур ишлар амалга оширилмоқда.

асосан жиноят ишлари бўйича Ёзёвон тумани судининг 2010 йил 24 декабрдаги қарори билан яқка тартибдаги тадбиркор Х.Олимов ва Қ.Худойберганаевга нисбатан туман ДСЭНМнинг маъмурий жарима қўллаш ҳақидаги қарори бекор қилинган ҳамда тадбиркор Қ.Ху-

мани судининг 2010 йил 6 майдаги қарори билан ветеринария ходимлари А.Қобилов ва М.Тангировларнинг ҳар бирига 37680 сўм миқдорда жарима қўлланилган.

Шу каби, Қашқадарё вилояти, Деҳқонобод тумани ДСИ ходимлари томонидан "Туркистон" хусусий фирмасида Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашининг тегишли рухсати бўлмаган ҳолда ноқонуний текшириш ўтказилган.

Аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан адлия органи томонидан Қашқадарё вилояти Давлат солиқ бошқармасига киритилган тақдимномага асосан вилоят ДСИ томонидан ноқонуний текшириш ўтказилганлиги ҳолати юзасидан Деҳқонобод тумани ДСИ бошлиғи Н.Раҳмонов, ДСИ бошлиғи ўринбосари А.Султонов, туман ДСИ ходимлари Т.Эшқулов, Б.Садов, А.Қултоевларга нисбатан ўртача ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорда, бўлим бошлиғи Ш.Тоғаевага нисбатан ўртача ойлик иш ҳақининг 40 фоизи миқдорда жарима интизомий жазоси қўлланилган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасида қабул қилинган қонун ҳужжатлари ҳамда ҳукумат қарорлари ижросининг таъминланиши адлия органларининг доимий вазирлиги масъул ходими

Зафар МУСТАФАҚУЛОВ, Адлия вазирлиги масъул ходими

Обод юрт манзаралари

Тадбирли танг қолмайди

НАРПАЙ ТУМАНИДАГИ "Зарафшон" жамоа ҳўжалиги ҳудудда қурилиш ташкилотлари учун асосий хомашў ҳисобланган гишт қилиб чиқариш заводи қурилганди. Энг муҳими, тупроқ захираси бисёр эди. Фақатгина корхона раҳбари тадбиркор ва ишбилармон бўлса, шунинг ўзи кифоя. Бироқ, минг афсуски, ушбу заводи тўла қувват билан ишлата оладиган инсон ўша пайтда топилмади.

ЭНГ АЖАБЛАНАРЛИСИ кадрлар қўнимсизлиги авжига чиқди. Заводга ўша 1991 йили 13 нафар раҳбар алмашиб, ишлаб чиқариш танг аҳволга келиб қолди. Катта бир завод ойига 50 миңг донга гишт ишлаб чиқариш даражасига тушиб қолганди. Бошқача айтганда, ўттиздан ортиқ киши бир кунда 1,5 миңг донгагина гишт ишлаб чиқарарди. Оқибатда доимий ишлайдиган катта бир завод мавсумий кичик корхонага айланди қолди. Қисқаси, ботқоққа ботиб, парокандаликка учради. Шундан кейин — 1992 йили шу туманлик Суннат Орзикулов заводни хусусийлаштириб олди. Дастлабки иш заводи қайта жиҳозлашдан бошланди. Янги ускуна ва маиший механизмлар олиб келиниб, қўл меҳнати саксон фоизга камайтирилди. Гишт пиширадиган ўндан ортиқ хумдонлар ўрнатилди. Ишчилар учун шароит яратиб берилди. Корхона ҳисобидан бепул сўт маҳсулотла-

"Зарафшон Нур" ҳамда "Нарпай Озода бегим" хусусий корхоналари ташкил этилди. Янгидан барпо бўлган корхоналарнинг моддий-техник базаси, "Зарафшон" хусусий корхонаси ҳисобидан қучайтирилди. Айтилик, "Зарафшон" 2009 йилда 2 миллиард 900 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширган бўлса, ўтган 2010 йилда 3,5 миллиард сўмлик ҳажмда қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Ёки "Зарафшон" хусусий корхонасида 600 миллион сўмлик, "Зарафшон Нур" корхонасида 1 миллиард сўмлик, "Нарпай Озода бегим" корхонасида 1 миллиард 900 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари қилиниб, қурилиш материаллари ишлаб чиқарилди. Ўтган 2010 йилда "Нарпай Озода бегим" хусусий корхонаси қурувчилари тумандаги 31 та оилага намунавий уй-жой қуриб, фойдаланишга топширди. Бундан ташқари, Самарқанд



Суратда: корхона раҳбари С. ОРЗИКУЛОВ

йили" муносабати билан Оқтош шаҳри марказида ёшлар учун "Теннис корти" қуриб берилди. Тумандаги ўндан зиёд мактабларнинг томи корхона маблағи ҳисобидан ҳомийлик йўли билан ёпилди.

РЕЖАЛАР УЛКАН, НИЯТЛАР БИСЁР

2011 йил — "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилинганидан руҳланган жамоа жорий йилда бир қатор ишларни режалаштирган. Шу йилнинг иккинчи чорагида уй-жойларнинг томини ёпиш учун ишлатиладиган қоришма ишлаб чиқарадиган ускуна харид қилиниб, етти нафар киши учун янги иш ўрни очилади. Пардозлаш ишлари учун ишлатиладиган қоришма тайёрлайдиган ускуна олиб келинди. У ўрнатилган, яна 4 нафар киши ишли бўлади. Лак-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган ускуна бугун-эртага янги цех қошида фаолият кўрсатади. Бу янги иш ўрнида ўндан зиёд ишчи ишлайди.

Жорий йилда корхона мусиқа мактаби биносини қуришни ўз зиммасига олган. Бундан ташқари, ишчи-хизматчилар 11 та намунавий уй, Мирбозор кўрго-



ри, иссиқ овқат бериш йўлга қўйилди. Шу билан бирга меҳнат интизоми қатъий назоратга олинди. Буни қарангки, тадбиркорлик билан олиб боришган раҳбарлик тез орада ўз самарасини берди. Маҳсулотнинг сифати тубдан яхшиланиб, унинг харидорлари кун сайин ортиб борди. Иш уч сменада ташкил этилди. 800 миңг донга сифатли, талабга тўлиқ жавоб берадиган гишт ишлаб чиқара бошлади.

ТАЛАБ ОРТИБ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КўПАЙДИ

Хуллас, шу тариқа завод аста-секин кенгайтирилиб, ойига бир миллионга яқин гишт ишлаб чиқарила бошланди. Бундан ташқари, Президентимизнинг 2009 йил 24 июндаги "Деворбоп материаллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига биноан "Зарафшон" хусусий корхонаси қошида гишдан ташқари қурилиш ишларини олиб бориш ҳамда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган



вилоятининг бир қатор туман ва шаҳарларида 10 дан ортиқ умумтаълим мактаблари, 4 та коллеж қуриб бериши. Мирбозор кўрғонидаги "Деҳқон" бозорида 56 та савдо дўконларини буюртма асосида бунёд этилди. Тўтент қишлоғида замон талабига мос савдо мажмуаси ҳамда мол бозори қуриб берилди. Шу қишлоқдаги иккита қабристон йўли таъмирланиб, тош тўқилди. Мўғилкент, Косагоров, Тепа қишлоқларида табиий газ ўтказилишига айнан ана шу корхона ҳомийлик қилганини таъкидлаш керак.

Ўтган йили "Баркамол авлод

нида 200 та савдо дўконлари қуришни зиммасига олган. Корхона бу йилда қарийб 8 миллион дондан ортиқ гишт, 2,5 миңг квадрат метр дераза худди, шу миқдорда эшик ишлаб чиқаришни мақсад қилиб қўйган. Катта режалар, қутлуғ ниятлар, улуг мақсадли ишларнинг бошида турган "Зарафшон" хусусий корхонасини ташаббускор тадбиркор инсон, раҳбар Суннат Орзикулов бошқараётгани жамоани ютуқларга етак-ляпти.

Азим ҚОДИРОВ, "Инсон ва қонун" муҳбири

Фуқаролик жамияти институтлари

қонуний манфаатлар ҳимоячиси

ИСТИҚЛОЛ бонс юртимизда жамоат бирлашмалари сафи кенгайиб, улор жамият ҳаётининг турли соҳалари, йўналишлари бўйича фаолият кўрсатмоқдалар. Мустақиллик даврида жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор қонуний, фермон ва қарорлар қабул қилинди.

"СИЁСИЙ партиялар тўғрисида"ги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги, "Қасаба уюшмалари, улор фаолиятининг ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида"ги, "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги, "Жамоат фондлари тўғрисида"ги, "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуний шулор жумласидандир. Ана шу қонуний асосида нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини такомиллашиб бормоқда.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига алоҳида тўхталиб, фуқаролик жамияти институтларини шакл-

лантириш ва ривожлантириш демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифалари эканлиги таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, Юртбошимиз маърузасида фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик кадрлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилга айланиб, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўйбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратиладиганлигини қайд этди. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига жамият ва давлат қурилиши, худудларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг турли соҳаларида нодавлат

нотижорат ташкилотлари ҳуқуқларини белгилаб берган қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини қучайтириши назарда тутадиган ўзгариш ва қўшимчаларни киритиш ҳамда атроф-муҳитни ҳимоя қилиши таъминлаш тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли ва ўрнини белгилашга қаратилган "Экологик назорат тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият масала эканлиги Юртбошимиз томонидан қайд этилди. Бундан ташқари, фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантиришга эришиш, амалга ошириладиган ислоҳотларнинг очик-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда, уларнинг ролини қучайтиришда "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этиб, нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги аниқ чегараларни белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмлар-

ни такомиллаштиришда ҳуқуқий нормалар белгилайди. Бу аса Конституциянинг 58-моддасида белгиланган "Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашушига, шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашушига йўл қўйилмайди", деб белгиланган ҳуқуқий нормани тўлдирди. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларни давлат ва жамият қурилишининг муҳим муаммоларини ҳал этишга кенг жалб қилиш, фуқаролар таъмирлари демократик кадрларини мустаҳкамлашнинг муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Мирзакарим ТИЛЛАБОЕВ; Наманган вилояти адлия бошқармаси масъул ходими, Абдуқошим МАДАТОВ, "Инсон ва қонун" муҳбири

Кўзгу

Жамоат ташкилотлари

учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратилган

БОШ ҚОНУНСИМИЗДА қонуний устуниги, давлат ҳокимиятининг 3 тармоққа (қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти) бўлиниш тамойили, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият эканлиги акс эттирилган. Конституциямиз жаҳон ҳамжамиятининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ютуқларини ўзидан муассасам этди. Унда Инсон ҳуқуқлари уюшмалари декларациясидаги борча муҳим қондалар — инсоннинг яшаш, эркинлик ва шахсий ҳақлиқлик ҳуқуқи, мулкдор бўлиш ҳуқуқи ва бошқа шу каби ҳуқуқлари белгилаб қўйилган.

МАЪЛУМКИ, ҳуқуқий давлатнинг асосий қўринишларидан бири жамоат бирлашмаларининг ижтимоий ҳаётда иштирок этишлари учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб берилганлигидир. Конституциямизнинг XIII боби жамоат бирлашмаларига бағишланган бўлиб, унда жамоат бирлашмалари фаолиятининг асосий принциплари белгиланган. Унинг 56-моддасига қўра, Ўзбекистон

Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган қасаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади. 58-моддада эса, давлат жамоат бир-

лашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, улорга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради, дея қайд этилган. Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашушига, шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашушига йўл қўйилмайди. Шунчи таъкидлаш жоизки, жамоат ташкилотларининг эркин фаолият юритишлари учун яратилган мустаҳкам қонуний асослар уларнинг юртимизда кечадиган демократик жараёнларда фаол иштирок этишларига кенг имкон бермоқда.

Жумладан, бугунги кунда Фарғона вилоятида жами 320 та нодавлат нотижорат ташкилотлари вилоят адлия бошқармасидан рўйхатдан ўтиб фаолият юритиб келмоқда. Уларнинг 271 таси жамоат бирлашмалари, 45 таси жамоат фондлари, 4 таси муассасалардир. Улар орасида экология соҳасида, инсон ҳуқуқлари, хотин-қизлар ва болалар, ноғиронларнинг ҳимоя қилиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, тиббиёт, илмий техника, фан ва бошқа соҳалар бўйича фаолият юритаётган ташкилотлар бор.

Дилмухаммад ЖўРАЕВ, Фарғона вилояти адлия бошқармаси масъул ходими

Адлия кўмаги

Ишга қабул қилинди

ва нафақа тўлаб берилди

НАВОИЙ ШАҲРИДА яшовчи Гулсум Умарова адлия бошқармасига мурожаат этиб, "Жанубсонотмаж" ОАЖга қарашли ётоқхонада ишлаб келганлигини, ҳомилдорлик билан боллик таътилга чиққанлигини, бироқ нафақа тўланмаётганлигини билдириб, бу масалада амалий ёрдам сўради.

ЎРГАНИШ давмида ётоқхона мулкдори ўзгарганлиги, яъни Навоий шаҳар ҳокимлиги уй-жой ва ётоқхоналардан фойдаланиш бошқармаси балансига ўтганлиги, шу сабабли ушбу ётоқхонада ишлаб келган бир гуруҳ ходимларнинг тегишли ҳужжатлари бошқармага топширилганлиги, аммо Г.Умарова 2010 йил 7 апрелда уй-жой ва ётоқхоналардан фойдаланиш бошқармасига мурожаат этиб, ишга қабул қилишни сўраган бўлса-да, бошқарма масъул ходимлари асосиз

равишда уни ишга қабул қилишни рад этганлиги маълум бўлди. Холбуки, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 98-моддасида корхона мулкдорлари алмашганда, шунингдек, корхона қайта ташкил этилганда (қўшиб юборилган, бириштирилган, бўлиб юборилган, қайта тузилган, ажратилганда) меҳнат муносабатлари ходимнинг розилиги билан давом таъвириши, корхонанинг бир орган бўйсунувидан бошқа орган бўйсунувига ўтказили-

ши меҳнат шартномасининг амал қилишни тўхтатмаслиги қатъий белгилаб қўйилган. Мурожаат ўрганилиши жараёнида Навоий шаҳар ҳокимлиги уй-жой ва ётоқхоналардан фойдаланиш бошқармаси ўз хатосини тан олиб, 2010 йил 6 декабрда Г.Умаровани ишга қабул қилиш тўғрисида 166-сонли буйруқ чиқарди. Бундан ташқари, адлия бошқармасининг аралашуви билан Г.Умаровага 453 000 сўм ҳомилдорлик ва туғиш нафақаси тўлаб берилди.

Ўткир ТУРСУНОВ, Навоий вилояти адлия бошқармаси масъул ходими

9 февраль — Алишер Навоий таваллудига 570 йил тўлади

Барҳаёт сиймо

ЎЗБЕК АДАБИЙ тилининг асосчиси ва мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий мероси авлодлардан-авлодларга ўтиб, барҳаёт яшаб келмоқда. Бобокалонимизнинг адабий мероси ўзининг чуқур маъноси, бадий-фалсафий юксаклиги тўғрисида дунё адабиётда алоҳида ўрин тутади. Навоий асарларини ўқир экансиз, унда инсон, унинг ички дунёси ва борлиққа муносабат билдирилганлигини ҳис қиласиз:

олим ва давлат арбоби ҳамда чинакам инсонпарвар бўлганлиги учун эъзозлайдилар. Чунки у сўзи ва амалий ишлари билан ҳам ўзини адолат йўлига, халқ саодати, фаровонлиги йўлига бахшида этган. Буни Алишер Навоий ўз ҳисобидан турли маиший бинолар, медресалар, кутубхоналар ва шифохоналар қурдирганлигидан ҳам ашқол англаш мумкин.

Алишер Навоийнинг пок руҳини ёд этиш, унинг бой маънавий меросини асраб-авайлаш ва эътибор билан ўрганиш, ўргатиш барчага, айниқса, ёш авлоднинг шарафли бурчи эканлигини ҳар доим ёдда туттишимиз лозим.

Эртага мамлакатимизда Алишер Навоий таваллудининг 570 йиллиги кенг нишонланади. Зеро, биз Навоийни нафақат таваллуд айёми кунлари, балки ҳар кунни ўрганишимиз, мутафаккир бобомизнинг ижодий меросини мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари, олий ўқув юртлири талабалари, хуллас, барча барчамизнинг онг-шуғуримизга чуқур синдиришимиз ҳам қарз, ҳам фарзидир. Бу улғу зот яратган асарлар инсонларни ҳамжихатликка, инсонпарварликка, олижанобликка, меҳроқибатга, ростгўйликка, адолатга ундайверади.

Одами эрсанг, демагил одами Ониким, йўқ халқ гамидин гами.

Алишер Навоий ўзининг "Муҳокамат ул-луғатайн" номли илмий асарида она тилимизга паст назар билан қаровчиларнинг мулоҳазалари асосиз эканлигини исботлади. Шу билан бирга ўз назарий қарашларини амалда ҳам ёрқин ифода қилди, она тилимизда беназир бадий асарлар яратди.

Шоирнинг ижоди, ҳаёти, амалга оширган эзгу ишлари бугунги кунда ҳам кўпгина ўзбек ва чет эллик олимлар томонидан ўрганилиб, юксак эътироф этилмоқда. Жумладан, Навоий асарлари кўп тилларга таржима қилинган, Москва, Боку ва Токио шаҳарларида шоир шарафига муҳташам ёдгорликлар ўрнатилганлиги фикримиз далилидир.

Бинобарин, уни мутафаккир шоир,



Тўрабек Тўраев, журналист

Журналнинг янги сони

ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ буйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази муассислигида нашр қилинган "Демократлаштириш" илмий-маърифий журналининг 2010 йилги 4-сони муҳлислар эътиборига ҳавола қилинди.



"Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18 йиллиги" ҳамда "Ўзбекистон ва Мингйиллик ривожланиш мақсадлари"га бағишланган бир қатор таҳлилий мақолалар журналнинг ўзбек, инглиз, рус тилидаги вариантларидан ўрин олган.

Ўзбек тилидаги вариантда ўқувчилар Бўритош Мустафаевнинг "Конституция — ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг мустахкам пойдевори", Ботиржон Қосимовнинг "Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари", Оюп Дендвороннинг "Мингйиллик ривожланиш мақсадлари: Миллий устуворликларга мослашиш" номли мавзулари батафсил ёритилган мақолалар билан танишадилар. Журналнинг инглиз тилидаги вариантда Мирзатилло Тиллабаевнинг "Мингйиллик ривожланиш мақсадлари", таҳрир хайъатининг "Тараққиётимизнинг ҳуқуқий асослари", рус тилидаги вариантда Раҳматулла Нуримбетовнинг "Ўзбекистондаги сиёсий партияларнинг ҳуқуқий мақоми", Абдуғани Холбековнинг "Ўзбекистон таълим тизими жаҳон эътирофида" сарлавҳали мақолалари муштарийларни бефарқ қолдирмайди, деб уйлаймиз.

Шунингдек, ушбу сондан бошқа яна қатор қизиқарли мақолалар жой олган.

(Ўз мухбиримиз)

Ҳурматли юртдошлар!

"Асака" банки (ОАЖ)



Куйидаги янги, муддатли омонат турларини таклиф этади:

Миллий валютадаги омонат:

"ДАРОМАДЛИ-1".

Сақланиш муддати — 1 йил.

Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат ёпилганда берилади.

Хорижий валютадаги омонат:

"янги йил-2011" — АҚШ долларарида.

Сақланиш муддати — 13 ой.

Ҳисобланган фоизлар ҳар чорақда ёки омонат ёпилганда берилади.

Филиаллар	коди	телефон рақами
1. Тошкент шаҳар	371	120-83-13
2. Автотранспорт филиали	371	120-39-95
3. Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
4. Юнусобод филиали	371	225-16-46
5. Сирғали филиали	371	258-67-49
6. Тошкент вилояти филиали	371	120-84-13
7. Андижон вилояти филиали	374	224-40-96
8. Асака филиали	374	233-13-69
9. Фарҳод филиали	374	229-97-53
10. Фарғона вилояти филиали	373	224-70-83
11. Марғилон филиали	373	237-12-37
12. Олтиариқ филиали	373	432-10-11
13. Қўқон филиали	373	552-61-04
14. Наманган вилояти филиали	369	226-94-75
15. Навоий вилояти филиали	436	223-54-32
16. Зарафшон филиали	436	573-18-78
17. Бухоро вилояти филиали	365	223-71-94
18. Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
19. Самарқанд вилояти филиали	366	231-08-86
20. Афросиёб филиали	366	234-17-96
21. Қашқадарё вилояти филиали	375	221-12-93
22. Сурхондарё вилояти филиали	376	770-82-12
23. Қорақалпоғистон филиали	361	223-72-47
24. Хоразм вилояти филиали	362	226-97-78
25. Сирдарё вилояти филиали	367	225-44-03
26. Жиззах вилояти филиали	372	226-43-11

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин. Мурожаат учун: "Асака" банки (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63

"Асака" банки (ОАЖ) сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди. Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- эгаллик ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- маълумотларнинг сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- миқдори чеklangмаган!

Хизматлар лицензияланган.



ҲИСОБНИ ТЎЛДИРИНГ ВА 50 МБ СОВҒА ОЛИНГ!

«БАХТЛИ КАРТА» АКЦИЯСИ

МТС акция узайтирилганини эълон қилади! 31 мартгача 10 000 сўмлик бахтли нарточкани харид қилсангиз, 50 Мб Интернет-трафикка эга бўласиз.



бир қадам олдинда

Батафсил: 0800 100 100, (+998 87) 730 09 09, 131 09 09, 103 09 09, www.mts.uz / wap.mts.uz
Тўловлар сўмада УЗР МБнинг тўлов кундаги курси бўйича амалга оширилади. Нархларга бадиҳа солиқлар киритилган. Ўзбекистон Республикасида хизматлар - Ушбу хизматлар лицензияланган. Хизматлар лицензияланган.

Тошкент вилояти адлия бошқармасининг 2011 йил 2 февралдаги 06-А-ум-сонли буйруғи билан Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан Максудова Азиза Гуламжановнага 2009 йил 3 июнда берилган ТS 000225 рақамли, Хайитбаев Мурадилла Маҳаматжоновичга 2009 йил 3 июнда берилган ТS 000199 рақамли, Шамсиев Агзам Абдувалиповичга 2009 йил 3 июнда берилган ТS 000203 рақамли, Асқаров Асан Файзуллаевичга 2009 йил 3 июнда берилган ТS 000202 рақамли, Қурбанбаев Хасан Нурметовичга 2009 йил 3 июнда берилган ТS 000213 рақамли ва Хатамов Жаҳонгир Унгаровичга 2009 йил 9 июлда берилган ТS 000302 рақамли адвокатлик мақоми олиш ҳуқуқи билан берилган лицензияларнинг амал қилиши тугатилди.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси жамоаси М.Улуғбек тумани ФХДБ бўлими мудири Зулфия Абдурасуловага турмуш ўртоғи Собир АБДУРАСУЛОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИСИ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ 1996 йилнинг январдан янвир эълонида

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Аxbорот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган ISSN 2010-7897

Бош муҳаррир: Кўчқор НОРҚОБИЛ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович
Мустафаев Бўритош Мустафаевич
Ражабова Мажжуда Абдуллаевна
Раҳмонов Абдуқамол Шодиевич
Султонов Алимқул Ташбекович
Тўраев Тўра Эргамевич
Саядов Шоқир Камолович
Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич

Навбатчи: Ербек ИСКАНДАРОВ
Саҳифаловчи-дизайнер: Тулқин РАУПОВ

Индекс: 646882

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табак ҳажмида, офсет усулида «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.
Буюртма j-1063. Тиражи — 22146. Босишга топшириш вақти — 21.00. Топшириш — 19.00 — тижорат мақола. □

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 233-95-31. Факс: 233-84-50 e-mail: info@press-uz.uz 1 2 3 4 5